

Ёшлар билан мулоқот

// 24.01.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yoshlar-bilan-muloqot>



"Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Мадина Абдуллаева "Навоийазот" АЖ 916-сонли нитрат кислотаси ишлаб чиқариш цехи 4-навбатида бўлди.



Ушбу қувватда 22 нафар ёш мутахассислар фаолият юритади.



Замонавий, ахборот коммуникация технологиялари билан таъминланган мажмуада ходимлар учун барча шароитлар яратилган.



Мулоқот давомида йигит-қизларнинг таклифлари ўрганилди. Мутахассислар малакасини ошириш, уларнинг илмий изланишлари учун имконият яратиш борасидаги фикрлари тингланди. Тармоқ корхоналари билан ҳамкорликда ташкил этиладиган тадбирлар натижадорлиги хусусида сўз борди.



"Навоийазот" АЖ нинг 7 нафар фаол, ташаббускор, иқтидорли ёшларига "Ўзкимёсаноат" АЖ бошқаруви раиси Тимур Мухамеджановнинг ташаккурномаси топширилди.

"НАВОИЙАЗОТ" АЖ АХБОРОТ ХИЗМАТИ